

---

## Жаҳон банки вакиллари Сўх туманида



Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт Вазирлиги ва Жаҳон Банкнинг ўзаро келишуви асосида қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш Дастури қабул қилинган. Ушбу Дастур 2020-2024 йиллар мобайнида амалга оширилиши режалаштирилган. Ўзбекистонга эксклав ва Қирғизистонга анклав ҳисобланмиш олис Сўх туманига иқтисодиёт Вазирлиги ва Жаҳон банкнинг намояндалари ташриф буюришиб, туман ҳоқими Фаррух Ўсаров бошчилигида туманнинг Малбуд, Октобрў (Тошқўра), Шарқобод маҳаллаларини кўздан кечирдилар. Мазкур маҳаллаларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва қуриладиган ижтимоий соҳа объектлари жойларини аниқлаб олишди.

Айтиш жойиз, қурилажак объектлар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар аҳоли талаблари асосида амалга оширилади. Аниқланган муаммо ва қурилажак иншоотлар махсус Дастур асосида янги йилдан амалга татбиқ этилиши кутилмоқда. Дастур доирасида муайян маҳаллаларда сув, газ, электр таъминотидаги муаммолар ечилиб, кўприклар ҳамда аҳоли учун зарур бўлган бино-иншоотлар қурилади. Бу дегани юртимиздаги ягона анклав ҳудуд Сўх тумани ҳамини эътибор марказида.

Анвар Жўраев,

Сўх тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати раҳбари

2019-10-15 00:51:51